

Жиноят иши № 1-2008-2402/109
судининг
маърузачи - З.Шеров

Биринчи инстанция
судьяси - Д.Куллиев

Апелляция инстанциясида маърузачи судья - Ш.Тўхтаев

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил апрель ойининг 11 куни, Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси, вилоят суди биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: З.Курбонов,

Ҳайъат судьялари: Н.Шаропов ва З.Шеровдан иборат таркибда, У.Рахимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Бухоро вилоят прокуратураси судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Н.Толибов, судланган А.Ҳакимов ва унинг ҳимоячиси, адвокат А.Хафизовнинг иштирокида, А.Ҳакимовнинг ўзига нисбатан чиқарилган суд қарорларидан норози бўлиб келтирган шикоят асосида унга оид жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 2024 йил

4 декабрь кундаги ҳукмига кўра;

1994 йил 23 сентябрь куни Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, "Мега Global Engineering Systems" МЧЖ раҳбари, Шофиркон тумани "Бобо-ота" МФЙ, 15-уйда яшовчи, "муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат" эҳтиёт чораси қўлланган Ҳакимов Акбар Акмал ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

167-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари билан 1 йил, ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисми билан 6 ой, ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан 1 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Шу суднинг 2024 йил 10 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-моддаси тартибида чиқарилган ажримига асосан, суд ҳукмининг қарор қисмида Ҳакимов Акбар Акмал ўғлига "ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "в" банди билан" жазо тайинланган - деб ўқилиши белгиланган.



Судланувчилар А.Маҳкамов ва А.Ҳақимов томонидан Қорақўл тумани мактабгача ва мактаб таълими ташкилотига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинган.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 27 январдаги ажрими билан суд ҳукмининг А.Ҳақимовга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Маҳкамов 2022 йил 28 августдан 2023 йил 6 апрель кунига қадар Қорақўл тумани мактабгача таълим бўлимининг бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, бўлим мансабдор шахслари томонидан қуёш станциясини ўрнатиш объекти учун ўтказилган аукцион савдоларида “Mega Global engineering systems” МЧЖ ғолиб деб топилганидан фойдаланиб, “Mega Global engineering systems” МЧЖ раҳбари А.Ҳақимов билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, “Mega Global engineering systems” МЧЖ ва Қорақўл туман мактабгача таълим бўлими билан 14.12.2022 йилда тузилган товар етказиб бериш ҳақидаги 99577-сонли электрон шартномага асосан жами 457,4 млн. сўмлик ҳисоб фактуралари орқали пул маблағлари ажратилганидан фойдаланишиб, ажратилган пул маблағлари ҳисобидан ўрнатилиши лозим бўлган тумандаги 1-сонли МТТда 5 кв. қуёш панель ўрнига 3 кв. (21,8 млн. сўмлик), 3-сонли МТТда 3 кв. қуёш панель ўрнига 2 кв. (4,2 млн. сўмлик), 5-сонли МТТда 5 кв. қуёш панель ўрнига 2

кв. (26,1 млн. сўмлик), 22-сонли МТТда 3 кв. қуёш панель ўрнига 2

кв. (4,2 млн. сўмлик), 23-сонли МТТда 3 кв. қуёш панель ўрнига 2,5

кв. (2,6 млн. сўмлик), 24-сонли МТТда 3 кв. қуёш панель ўрнига 2

кв. (4,2 млн. сўмлик), 30-сонли МТТда 5 кв. қуёш панель ўрнига 3.2 кв. лик, (15,75 млн. сўмлик), 19-сонли МТТда 3 кв. қуёш панель ўрнига 2 кв. лик (11,4 млн. сўмлик) ўрнатишиб, жами 90,2 млн. сўмлик қуёш панеллари амалда ўрнатилмаган бўлса-да, 457,4 млн. сўмлик ишлар бажарилгани юзасидан тузилган 14.12.2022 йилдаги 5-сонли ҳисоб фактура ва унга илова ҳужжатларга мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда сохта маълумот киритиб, давлат мулки ҳисобланган 90,2 млн. сўмлик бюджет маблағларини растрата йўли билан талон-торож қилишган.



Мазкур ҳукм билан А.Маҳкамов ҳам судланган бўлиб, шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Судланган А.Ҳакимов тафтиш тартибидаги шикоятида, суд ҳукмидан норози эканлиги, гарчанд, унга ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди билан айб эълон қилинмаган бўлса-да, суд ҳукмида модданинг мазкур банди билан ҳам айбли деб топиш ҳақида нотўғри қарор қабул қилинганлиги, лекин кейинчалик ушбу камчилик, гўёки “техник хатолик” сифатида ЖПКнинг 541-моддаси тартибида ажрим чиқариш йўли билан тузатиб қўйилганлиги, апелляция судлов ҳайъати ҳам ишга бепарволик билан муносабатда бўлганлиги, чунки ўз қарорининг асослантириш қисмида унга биринчи инстанция суди томонидан 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлигини кўрсатганлиги, ваҳоланки, унга 1 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, судлар томонидан қонун ва Олий суд Пленуми қарори талабларига риоя қилинмасдан, ишнинг унга оид қисмини ЖПКнинг 84-моддаси тартибида тугатиш масаласи муҳокама қилинмаганлиги, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлишига қарамасдан, ЖКнинг 57-моддаси ҳам қўлланмаганлиги ҳақида важлар келтириб, ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш юзасидан судья З.Шеровнинг маърузасини, давлат айбловчиси Н.Толибовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган А.Ҳакимов ва адвокат А.Хафизовнинг шикоятни қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, А.Ҳакимовга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Судлов ҳайъати, судланган А.Ҳакимовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, шу иш бўйича судланган А.Маҳкамов ҳамда фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, 14.12.2022 йилдаги буюртмачи Қоракўл тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ““Mega Global engineering systems” МЧЖ ўртасида тузилган электрон шартнома ва унга илова қилинган 01.05.2023 йилдаги 5, 6-сонли ҳисоб фактуралар, 10.07.2024 йилдаги ва 05.08.2024 йилдаги ўрганиш далолатномалари, фотосуратлар



ҳамда ишда мавжуд далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, тафтиш шикоятда келтирилган судлар томонидан ишга бепарволик билан муносабатда бўлиб келинганлиги мазмунидаги вазларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, суд ҳукмининг қарор қисмида судланган А.Ҳақимовга ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан жазо тайинланганлиги кўрсатилган, бироқ, дастлабки тергов органи томонидан унга мазкур модда 2-қисмининг “г” банди билан айб эълон қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-моддасига кўра, ҳукми ижро этишда юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукми чиқарган суд ҳал қилади.

Биринчи инстанция суди, юқорида кўрсатилган ҳолатни техник хатолик сифатида ажрим чиқариш йўли билан бартараф этган.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди ажримининг тавфсиф қисмида, гарчанд, А.Ҳақимовга биринчи инстанция суди томонидан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 1 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган бўлса-да, 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги кўрсатилган бўлиб, судлов ҳайъати, мазкур ҳолат ишнинг моҳиятига, судланган А.Ҳақимовнинг айблилик масласига дахл қилмаганлиги сабабли, ушбу ҳолатни бартараф этишни лозим топади.

Шу билан бирга, шикоятда, судлар томонидан А.Ҳақимовга нисбатан ишнинг қисмини ЖПКнинг 84-моддаси тартибида тугатиш ёки асослар мавжуд бўлса-да, ЖКнинг 57-моддасини қўллаш масаласи муҳокама қилинмаганлиги ҳақида вазлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февраль кундаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 2-бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи маротаба содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қопланган шахсларни ЖК 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги тўғрисида судларга тушунтиришлар берилган.



Қонун мазмунига кўра, амлада пушаймон бўлиш жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида қабул қилиниши учун қуйидаги белгилар бўлиши лозим:

- шахснинг биринчи марта жиноят содир этиши;
- содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги ёки унча оғир бўлмаслиги;
- шахс айбини ўз бўйнига олиш тўғрисида арз қилганлиги;
- айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги;
- жиноятни очишда ёрдам бериш;
- келтирилган зарарни бартараф қилиш.

Ана шу кўрсатилган барча белгиларнинг мавжудлиги айбдор шахснинг ҳақиқатдан ҳам пушаймонлиги ва у айбига иқрорлигидан далолат бериб, бу уни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун етарли бўлиб кўринади. Юқорида кўрсатилиб ўтилган белгилардан бирортасининг бўлмаслиги, жиноий жавобгарликни бекор қилишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш ва келтирилган зарарни бартараф қилиш – буларнинг барчаси амалда пушаймон бўлишнинг ягона шаклини ҳосил қилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш деганда, ҳали ушбу жиноятни содир этишда гумонланувчи ёки айбдор деб эътироф этилмаган шахснинг ўзи томонидан ҳеч қандай мажбурловсиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишидир.

Иш ҳолатларига қараганда, мазкур жиноят иши 10.07.2024 йилдаги текширув далолатномасига асосан 11.07.2024 йилда кўзғатилгандан кейин судланганлар А.Маҳкамов ва А.Ҳакимов томонидан жиноят иши доирасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилганлиги 05.08.2024 йилда Қоракўл туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи У.Сахатов томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланган.

Биринчи инстанция суди, мазкур ҳолатларни ҳукмда муҳокама қилган ҳолда, А.Ҳакимовни ЖКнинг 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилмаслик хусусида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган



мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Судлов ҳайъати, судлар томонидан судланган А.Ҳақимовнинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, оилавий шароитини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят оқибатида етказилган моддий миқдори ва унинг қопланганлигини, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлиги, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, шахсига мос ва қилмишига яраша ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаш ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Қайд этилганларга асосан, судлов ҳайъати, А.Ҳақимовга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-484, 510, 521²⁻⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ҳақимов Акбар Акмал ўғлига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 2024 йил 4 декабрь кунидаги ҳукми ва Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 27 январь кунидаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 27 январь кунидаги ажримининг тавсиф қисмида биринчи инстанция суди томонидан А.Ҳақимовга “ЖКнинг 59-моддаси тартибида 1 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган” – деб ўқилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига



тафтиш тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/

З.Қурбонов

Ҳайъат аъзолари: /имзо/

Н.Шаропов

/имзо/

З.Шеров

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

З.Шеров

Маърузачи: Шеров Зариф Зикриллоевич

